

ДИЛАФГОР ИЖОДИДА ДИНИЙ- МАЪРИФИЙ, ТАСАВВУФИЙ РУХ

С.Мансуров¹

Аннотация: Мумтоз адабиётимиз анъаналарининг давомчиларидан бири бўлмиш Дилафгор адабий меросида диний маърифий шеърлар ёзганлигини гувоҳи бўлдик ва булар ҳақидаги тўлиқ маълумотни ана шу тўпладан олиш мумкин. Лекин нима бўлганда ҳам ана шу тўплам ва шоир тошбосма девонини қиёсий ўрганиш натижалари жорий ёзувдаги нашрда айрим камчиликлар борлигини кўрсатмоқда. Ҳатто айрим бадиий мукамал бўлмаган шеърлар нашрдан тушиб қолганини ҳам кузатиш мумкин

Калит сўзлар: “Пискент ҳаёти” “Пискент ва пискентликлар”, “Дилафгор ва унинг “Дуои салом” шеъри”, “Жаҳон бастии кушоди”.

Дилафгор ижодидаги лирик асарларни ўрганиш асносида шу нарсага гувоҳ бўлдикки, шоир мадраса таҳсилани кўрган фозил, нуктадон, шеър илмидан хабардор инсон бўлиб, асарларида ўз истеъдоди ва салоҳиятини кўрсата олган. Дилафгор ўзбек мумтоз шеъриясида шоирларга йўлдош бўлиб келган мавзуларни четлаб ўта олмади. У ҳам ўзидан олдин қалам тебратган салафлари анъаналарини давом эттиришда ўз даври илғор ғояларига таянди. Шоир шеъриясининг мавзу кўлами кенг ва ранг-барангдир. Дилафгор лирик асарларининг каттагина қисмини ғазаллар ташкил қилган бўлиб, улар ифода шакли ҳамда мавзусига кўра ҳам турличадир. Маълумки, Дилафгор яшаган давр адабиётимиз тарихида “Миллий уйғониш даври” деб юритилади. Албатта ҳар бир ижодкор асарида у яшаган давр, муҳит қайсидир жиҳати билан бўй кўрсатади. Биз бу ҳолни Дилафгор ижодида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Шунга кўра шоир лирик асарлари мавзу кўламини тасаввуфий рух ва мазмунни ифодаловчи, диний-маърифий, илм - маърифатни тараннум этувчи, севги-муҳаббат куйланган, ижтимоий муаммолар ёритилган шеърлар тарзида ажратиш мумкин. Дилафгор Яратганга чин эътиқод қилиш баробарида ўз гуноҳларини кечиришини сўраб муножотлар битган: Ғарибмен, бенавоман, ғам била қадим дуто, ё Раб,

Жунун даштида ётган музтариб ҳолим табо(х), ё Раб.

Карамлик подшоҳим, сендин ўзга такагоҳим йўқ,

Тилаб матлабни келдим дарғаҳинга мен гадо, ё Раб.

Танимни доғи ҳижрон ўртади, жисмим кабоб ўлди,

Бу ҳижрон оташин қилди юрак-бағрим адо, ё Раб.

Бу ғам зиндонида қолдим, нажот изларга ожизман,

Туфайли зоти покинг айлагил ғамдин раҳо, ё Раб.

Дилафгор бир неча муножотлар туркумини яратди. Шоир муножотномалари ҳам мумтоз адабиёт вакиллари асарлари сингари бир қатор фазилатлардан холи эмас. Ана шундай хусусиятлардан бири - банданинг чин дунёга имон билан бориши масаласидир:

Беадад қилғон гуноҳим барчаси сенга аён,

¹ Тошкент Ислом институти “Тиллар” кафедраси катта ўқитувчиси, Sobirjon@bk.ru



Ҳожат изҳор эмастур бир-бирин қилмоқ баён,
Феъл-у атворимға лойиқ журм-у исёним гарон,
Илтижо қилдим баҳаққи жумлаи пайғамбарон,
Айласам рихлат бу оламдин, йиборғил боиймон.
Бандалик лофини урдум, қилмишам кони зарар,
Йўқ вале шаънимда ҳеч тоату ибодатдин асар,
Нафси шайтон бирла бўлдум, дилда йўқ хавфу хатар,
Эй Худоё, сен эурсан осийларға меҳрибон,
Айласам рихлат бу оламдин, йиборғил боиймон...
Тавба қилдим, тавбаи мақбули ҳидоят айлагил,
Фазлу эҳсонинг ман осийға иноят айлагил,
Бул муножоти Дилафгорни ижобат айлагил,
Раббано, фағфирлано, эй Холиқи ҳар ду жаҳон,
Айласам рихлат бу оламдин, йиборғил боиймон.

Мусулмон Шарқида чаҳорёри босафолар айтган ҳикматли гаплари мазмунида асарлар битиш ан ʻанага айланганлиги маълум. Масалан, Ҳазрати Али (карамаллоҳу ваҷҳаҳу)нинг “Наср ул-лаолий” асаридан илҳом олган мутафаккир шоир Алишер Навоий ўзининг “Назму-л-жавоҳир” дея сўз дуру жавоҳирларини терган. Дилафгор ҳам Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ муножотларига тахмис боғлаган. Бу тахмис шоирнинг Аллоҳга бўлган чин тавбаси, таваллоси, ихлос билан айтган муножоти сифатида жаранглайди.

Кеч гуноҳимни баҳаққи Ҳазрати Одам халил,
Айлама маҳшар куни шармандаи хору залил,
Даргоҳингдин илтимосим шул баҳаққи Жабраил,
Хуз билутифик, я Илаҳий, ман лаҳу зоду қалил,
Муфлисан бис-сидқи яъти ʻинда бабик, я Жалил.
(Эй Илоҳим, оз зоду роҳиласи бор бандангни ўз лутфинга ол,
Сенга ишонган ҳолда эшигинга бош уриб келди, ё Жалил²)
Журму исёниға қилди тавба банданг, ё раҳим,
Айла тавфику ҳидоят бирла они мустақим,
Қилмағил, ё раб, ани тонгла сазовори жаҳим,
Занбуҳу занбун ʻазимун фағфириз-занбал- ʻазим,
Иннаҳу наҳсун ғарибун музнибун абдун залил.
(Гуноҳи катта бўлган бандангни барча гуноҳини кечиргил,

Чунки у, бечора, ғариб, гуноҳкор, хор бандангдир³) Дилафгор пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га чин уммат эканидан сарвари коинотга бағишлаб муносиб наът бағишлайди. Зиҳи шоҳи араб, моҳи аҷам, ул саййиди барно, Худо Қур ʻонда айди васфинга “Ёсин” илан “Тоҳо”.

Жамоли нури “Ваш-шамс”ки, мозоғ ул-басар ҳазрат, Муборак гэсуи ҳазратки, “Вал-лайл иза яғшо”.

Рисолат тождори, шаҳду шакар ул гуфтори, Басе шаънида “Кавсар” сураси, ҳақ айди “Аътино”.

² Tarjimalar. Gulshani Dilafgor

³ Mamatqulov A., Joʻraev J. Dilafgor va uning adabiy merosi haqida. // Gulshani Dilafgor. – Toshkent: MUMTOZ SOʻZ. 2011. –B.50.



Муборак мақдамидин бўлди олам ғарқай раҳмат, Кетиб зулмат жаҳондин рўшнолик айлади пайдо.

Тамоман анбиёлар шахсувори саййиди олам,
Гадойи остони бўлса юз Искандару Доро.

Дилафгор ижодининг мумтоз адабиётимиз намуналаридан озикланиши табиий ҳол бўлиб, Машраб шеърятти ҳам унга беҳад озик берганини таъкидлаш керак. Маълумки, Машраб адабиётимиз тарихида ўзига хос йўналишда ижод қилган ҳамда “Қаландария” сулуки асосчиларидан ҳисобланади. Машраб ижоди илоҳий ишқни куйловчи шеърят экани ҳам барчага маълум. Унинг: Ҳар кишининг дарди бўлса йиғласин ёр олдида, Қолмасин армон юракда этсин изҳор олдида,- ғазалига Дилафгор куйидагича тазмин боғлаган:

Телба кўнглум кўз тутар, фурсат топиб ёр олдида,
Айласам ҳижрон ғамин фил-жумла изҳор олдида,
Ўртаниб куйсам тонг эрмас, рашқдин аҳбоблар
Ғайрлар базми Сикандар тузса дилдор олдида.
Ваҳ нечун ўлмай тириклай, шомдин то субҳидам,
Бўлсалар доим рақиб эли чаманзор олдида.
Ҳар замон этсам тавозеъ, ер ўпуб қилсам салом,
Бир каломи хуш эшитмайман вафодор олдида.
Дил ҳавас айлар ани лаъли лабидин бўса,
Ақл айлар беадад андиша бул кор олдида.
Айтингиз, аҳбоблар, раҳм этмаса ҳолим кўруб,
Ҳажрида қилсун шаҳид қоним тўқуб ёр олдида.
Куймасунму нотавон жони, Дилафгор, оҳким,
Сухбат этса доимо ул шўх ағёр олдида.

ир ғазалларида илоҳий муҳаббат, сўфиёна севги мотивлари ҳам куйланади. Шоир аксарият шеърларида ер гўзалига мурожаат қилаётгандек бўлса ҳам, аслида Яратганга бўлган севгисини изҳор этади. Албатта, шу ўринда “Алмажозу қантаратул-ҳақиқат” (“Мажоз ҳақиқатга олиб борувчи кўприқдир”) эканлигини унутмаслик лозим:

Дариғо, умрим ўтди, эй пари, ҳажрингда жоно деб,
Қаронғу бўлди олам кўзларимға, шўху барно деб.
Бўлибман мисли Мажнун, кил тараҳҳум, ёри жононим,
Ютай тоқайғача қон лахта-лахта, оҳ Лайло, деб.
Қўйибман остонангға бошимни, эй жафопеша,
Жаҳон маҳвашларидин сен пари пайкарни аъло деб.

Дилафгор шеърятининг яна бир жиҳати – ҳақиқий мусулмон кишининг Яратганга бўлган чин эътиқоди, маслакда қатъийликнинг намоён бўлишидир. Шоир ҳар бир мўмин киши бу ёлгончи дунёнинг хою ҳавасларига учмасдан, чин дунёга тайёрланиб бориши лозимлигини уқтиради. “Тақя қил” радифли ғазалида худди ана шундай ғояни давом эттирган шоир мудом Яратганга тақя (таваккул) қилиш кераклигини эслатади.

Бандалик шулдур санго, кодир Худога тақя қил,
Ўн саккиз минг олама қудратнамоға тақя қил.
Ҳар наким келса қазодин бошинга сабр айлабон,
Шукр этиб шому саҳар ул подшоҳға тақя қил.
Тушса гар ҳар мушқуле қилма бировга ошкор,
Мушкилинг ҳал қилғувчи мушқулқушоға тақя қил.
Чарх зулмидин яқо йиртиб ўзинг этма ҳалок,



Осий бўлсанг, соҳиби ҳамду саноға така қил.
Така қилгон бандасини айламас зоеъ Худо,
Йўлда қолсанг йўл йўқотиб, раҳнамоға така қил.
Ҳар куни бошингга тушса меҳнати ранжу алам,
Гарданингни ҳам қилиб, ул Раббаноға така қил.

Безизоатман дебон осийи Дилафгор, ғам ема, “Яфъалуллоҳу ма яшаъ” хукми Худоға така қил. “Тасаввуф мусулмон Шарқи мамлакатлари ижтимоий ва маънавий ҳаётига чуқур кириб борди. Фан, маданият ва адабиёт ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди. XII асрдан бошлаб Шарқнинг деярли барча нуфузли шоир ва ёзувчилари, мутафаккир ва олимлари тасаввуфдан озикланиб, унинг инсонпарварлик ва ҳақсеварлик ғояларидан руҳланганлар. Шуни назарда тутиб, атоқли олим Е.Э.Бертелс ўтган асрнинг бошидаёқ қайд этган эди: “Тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас. Бу адабиётдан хабардор бўлмасдан Шарқнинг ўзини ҳам англаш қийин⁴”, – дея таъкидлаган эди тасаввуфшунос олим Н.Комилов. Шоир Дилафгор ҳам бир мусулмон кишиси сифатида тасаввуфий асарлардан бебаҳра қолиши, ундан илҳомланмаслиги мумкин эмас эди.

Бандасан, эй дил, ризойи Раббанони излагил,
Уммат ўлсанг, сарвари ҳақ Мустафони излагил.
Мисли Адҳамдек бу олам нашъасини тарк этиб,
Оҳ уруб йиғлаб, ҳақиқий подшоҳни излагил.
Ётма сен тоқай бу ғафлат хобида роҳат билан,
Қолмади фурсат, кўзинг оч, муддаони излагил.
Охират борғонда қаттиғ халқ аро шармандалик,
Журму исёнингга сен барҳам шифони излагил.
Бандалик лофин урар, ситам фикру авзўинг ғалат,
Доимо қилгон гуноҳингга давони излагил.
Икки кунлик умринга қилма бино, айтай санга,
Бевафо ушбу жаҳон, дорулбақони излагил.
Эй Дилафгор, йўл хатарлик, йўл адашган вақтида,
Қўл тутарга раҳнамо пир-у Худони излагил.

Дилафгорнинг ушбу ғазалида “Иброҳим Адҳам сингари подшоҳ бўлсанг ҳам бу дунёнинг жилваларига учма, уни тарк эт, ҳақиқий дунё роҳати сенга кўпроқ керак бўлади охиратда” деган ғоя илгари сурилган бўлиб, бундай фикрлар ҳар қандай даврда ҳам ўз қимматини йўқотмайди. Шоирнинг қуйидаги шеъри ҳам айни шу йўналишда битилган:

Бу олам айши, эй тан, хаста ётганингга арзирму?
Ҳаёти жовидонинг бир кун ўлганингга арзирму?
Бу беш кунлук жаҳон ичра тамоми мулку ашёлар,
Кетар вақтида қилгон оҳу афғонингга арзирму?
Тирикликда бу минган маркабинг, эй бандаи ғофил,
Кетиб жонинг, яғоч от узра минганингга арзирму?
Юрарсан тоати Ҳақдин бўлуб ғофил бу оламда,
Қиёмат даштида ҳоли паришонингга арзирму?
Маъишатда кечургон кеча-кундуз айши хандонинг,

⁴ Komilov N. Tasavvuf. –Т.: “Movarounnahr”– O‘zbekiston NMIU. 2009. – В.4.



Ҳисоб вақтида чеккан чашми гирёнингга арзирму?
Бу дунё иззу жоҳу салтанат, боғ ила бўстони,
Бўлуб хоки мазаллат ичра ётганингга арзирму?
Гунаҳ бирла кечурган моҳ-солинг осий Дилафгор,
Бориб маҳшарда эл ичра уёлганингга арзирму?

Дилафгор шеърларида турк элининг машойихи Яссавий ҳикматлари мавзулари оҳангини ҳам кузатиш мумкин. Инсон охир қилар иши “тўрт оёқли чўбин от”га тушиши аччиқ ҳақиқат эканлигини тан олмай илож йўқ.

Ушбу фаслдаги илмий кузатишлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин⁵

“Гулшани Дилафгор” тўплами ноширлари Дилафгор ижодида Муқимий, Хислат, Камий каби шоирларнинг таъсири кучли бўлган деган хулосаларга келишсада, аслида шоир шеъриятининг мавзу кўлами анча кенгрокдир. Дилафгорнинг ҳақиқий мусулмон фарзанди сифатида ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ муножотларига тахмис боғлаганлиги ҳам бунга далилдир.

Дилафгор ғазалларида илоҳий муҳаббат, сўфиёна севги мотивлари ҳам куйланади. Шоир аксарият шеърларида ер гўзалига мурожаат қилаётгандек бўлсада, аслида уларда Яратганга бўлган севгисини изҳор қилади.

Шоир шеъриятининг мавзу кўлами янада кенгрок эканлиги маълум бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дилафгор ҳаёти ва ижодий мероси ҳақида. Гулшани Дилафгор. – Т.: MUMTOZ SO‘Z. 2011.
2. Асрлар нидоси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1982.
3. Пўлотжон домулла Қайюмий. Тазкираи Қайюмий. – Т.: 2-жилд. 1998.
4. Жабборов Н.А. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси: филол. ф.д... Дисс. – Т. 2004.

